

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА МЕХРИБОН АБДУХОЛИСОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ**  
**КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление  
автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents  
of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Рахимова Мехрибон Абдухолисовна**

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш  
технологияси ..... 5

**Рахимова Мехрибон Абдухолисовна**

Технология формирования социальных навыков у учащихся начальных  
классов ..... 25

**Рахимова Мехрибон Абдухолисовна**

Developing pedagogical opportunities for spiritual and moral education of  
preschool children on the basis of integrated approach..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВА МЕХРИБОН АБДУХОЛИСОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ**  
**КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2 PhD/Ped989 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Адизов Бахтиёр Раҳмонович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Собирова Маҳбуба Юсуфжонова**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**


**Фарғона давлат университети**


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “3” сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)


Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 68 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2022 йил “20” январь куни тарқатилади.  
(2022 йил “20” январь даги 12 - рақамли реестр баённомаси).



  
**Т.Файзуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

  
**Ш.К.Хўжамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари буйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

  
**К.М.Боймирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.ф.д. (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим олувчиларнинг ижтимоий мослашувчанлик кўникмаларини шакллантириш, ўз-ўзига ишончни таркиб топтириш ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш қобилиятини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларида ҳаётий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим муҳити барқарорлигини таъминлаш, ўрганишга ўргатиш тамойили асосида таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш, самарали мулоқотга киришиш кўникмаларини таркиб топтириш муҳим долзарблик касб этади. Мазкур жараёнда шахсий фаолият тажрибасига асосланган тарбия технологияларидан самарали фойдаланиш, ўқувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий кўникмаларини шакллантириш жараёнининг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштириш, эмоционал интеллектни ривожлантиришнинг педагогик моделларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқувчиларининг ижтимоий кўникмаларини шакллантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш, ижтимоий мослашувчанлик кўникмаларини таркиб топтиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш технологияси ва дидактик тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизимида ўқитишга доир янгича ёндашувларни кенг жорий этиш, компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш, таълим олувчиларда ижтимоий фаоллик ва шахсий компетентликни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса ижтимоий кўникмаларни шакллантириш тузилмаси ва компонентлари, “Тарбия” фанини ўқитиш орқали ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш механизмининг такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

“Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар шаклланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда ўқувчи-ёшларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришнинг айрим педагогик жихатлари Р.Джураев, О.Мусурмонова, Р.Сафарова, М.Қуронов, Б.Адизов, Х.Ибрагимов, Ш.Абдуллаева, Б.Ходжаев, Н.Маҳмудова, Х.Тожибоева, Н.Дилова, К.Иноқовлар, бошланғич синф ўқувчиларида адабий таҳлил кўникмаларини шакллантириш, ўқиш, она тили дарсларида интеграцион технологиялардан фойдаланиш, ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш масалалари М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов, Ш.Юсупова, Р.Ниёзметова, М.Собирова, Ш.Хўжамбердиева, М.Асқарова, Н.Абдуллаевалар, муаммонинг айрим психологик жихатлари Э.Ғозиев, М.Давлетшин, В.Каримова, Б.Қодиров, Ғ.Шоумаров, Ш.Баротов, Н.Сафаев, А.Жабборов, З.Нишонова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Р.Немов, А.Лурия, Л.Виготский, С.Рубинштейн, В.Шадриков, Л.Венгер, В.Асеев, К.Абульханская-Славская, Л.Матвеева, Д.Люсин, Е.Хлыстова, Е.Ильин, Б.Ананьев, Е.Степанова, А.Федоренко, Б.Величковский кабиларнинг илмий изланишларида ижтимоий интеллект моделлари, диагностик воситалари, психологик-педагогик хусусиятлари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан Э.Торндайк, Дж.Гилфорд, Г.Олпорт, Л.Терстоун, Г.Айзенк, Дж.Мэйер, В.Келлер, К.Дункер, М.Вертгеймер, Дж.Кемпион, У.Чарльзворт, Ж.Пиаже, Дж.Бруннер, Л.Леви-Брюльлар томонидан ижтимоий интеллект тузилмаси, табиати ва бошқа интеллект турлари билан ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ қатор илмий изланишлар амалга оширилган.

Бироқ бошланғич синф ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш тузилмаси, компонентлари ва омилларини аниқлаштириш, тез ўзгарувчан шарт-шароитларга муваффақиятли мослашувни таъминлашнинг дидактик тизими ва технологиясини такомиллаштириш мазкур соҳага доир махсус илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари

режасининг 561624-ЕРР. “Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш технологиясини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижтимоий кўникмаларни шакллантириш тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш даражалари ва ижтимоий ҳамкорлик соҳаларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш технологияси мазмуни ва жараёнли-ташкилий асосларини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш жараёнлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, эксперт баҳолаш, ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг диагностик методикалари, асословчи, таълимий ва якунловчи эксперимент ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш тузилмаси когнитив, фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи ва хулқ-атворга доир компонентларнинг индивидуал ва шахслараро ҳамда ички ва ташқи омиллар билан қайта алоқага киришиш даражаси барқарорлигининг эмпирик жиҳатида устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш даражалари (ундовчи, баҳоловчи-рефлексив, қабул қилувчи, интегратив, импровизацияли) ўзини тушуниш, ўзига (Мен-образ, Мен-концепция), тенгдошлар гуруҳига, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятга (таълим, мулоқот, жамоат) муносабат шакллари таъсирчанлиги барқарорлигини ҳисобга олиш асосида аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш технологияси мазмунини танлашнинг дидактик параметрлари ва жараёнли-ташкилий асослари умумпедагогик (ишчанлик ўйинлари, кооператив, рефлексив, танқидий фикрлашни ривожлантириш, арт) технологиялар, ўқув фаолияти натижаларини аниқлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини аниқ тартибланган алгоритминини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

билим – кўникма – малака – компетенция бирлиги ва ана шу босқичларни ҳар бирида ижтимоий кўникмаларнинг ўзига хос тарзда шаклланиб боришини ақс эттирувчи интерфаол машқларни тизимли қўллашга йўналтирилган бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик тизими таълим олувчининг рефлексив позициясини интеллектуал ривожланиш соҳаси билан ички интеграллашувини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга доир муаллифлик тренинг машғулоти дастури ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” номли қўлланмани яратишда фойдаланилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий кўникмаларнинг абстракт интеллект, хулқ-атвор, мотивация, эмоционал интеллект билан ўзаро боғлиқлиги асосланганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш хусусиятлари ва педагогик-психологик ўзига хосликлари ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш босқичлари, вазифалари, кўрсаткичлари, фаолиятни ташкил этиш шакллари, даражалари, ҳамкорлик соҳаларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Тарбия” фанини ўқитиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг мақбул умумпедагогик, хусусий-методик ва локал (интерфаол машқлар) технологияларининг такомиллаштирилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик механизми ва дидактик тизимининг ишлаб чиқилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга доир тренинг машғулоти дастурининг яратилганлиги, ижтимоий кўникмаларни баҳолашнинг диагностик усулларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш тузилмасини когнитив, фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи ва хулқ-атворга доир компонентларнинг индивидуал ва шахслараро ҳамда ички ва ташқи омиллар билан қайта алоқага киришиш даражаси барқарорлигининг эмпирик жиҳатига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир таклифлардан “Тарбия” фанини ўқитиш концепцияси, таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 19 майдаги 01/11-03/-03-627-сон маълумотномаси). Натижада, “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш даражаларини ўзини тушуниш, ўзига, тенгдошлар гуруҳига, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Тарбия” фани бўйича ўқув кўникмаларини баҳолаш ва ўлчаш тизими”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 19 майдаги 01/11-03/-03-627-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда ижтимоий компетентликни баҳолашга доир компетенциялар матрицаси, ахлоқий сифатлар ва ҳаётий кўникмаларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Умумпедагогик технологиялар, ўқув фаолияти натижаларини аниқлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини аниқ тартибланган алгоритминини ишлаб чиқиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш технологияси мазмуни ва жараёнли-ташкилий асосларини, билим – кўникма – малака – компетенция бирлиги ва ана шу босқичларнинг ҳар бирида ижтимоий кўникмаларнинг ўзига хос тарзда шаклланиб боришини акс эттирувчи интерфаол машқларни тизимли қўллашга йўналтирилган бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан №А-5-37 “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 19 майдаги 01/11-03/-03-627-сон маълумотномаси). Натижада, умумпедагогик, хусусий-методик ва локал технологиялар асосида ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 130 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, ижтимоий кўникмаларни шакллантиришда эмоционал интеллектнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ёритиб берилган.

Миллий психология ва педагогикада боланинг ижтимоийлашув жараёни ва унинг таълим-тарбияси ўртасидаги муносабатларни ўрнатишнинг ўтмишдан сақланиб келаётган катта тажрибаси мавжуд. Аммо бунда ижтимоийлашув, қоида тариқасида кенг маънода, яъни ўсиб келаётган авлоднинг анъана ва қадриятларни ўзлаштириши ҳамда ижтимоий тажрибани фаол қайта қўллаш туфайли жамият ҳаётида иштирок этиш жараёни ва натижаси сифатида тушунилади. Мазкур ҳолат: бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос равишда уларнинг ўзаро муносабатларини мақсадли йўлга қўйишга доир педагогик таъминотга бўлган зарурат ва ушбу муаммо бўйича илмий асосланган амалий ёндашувларни ишлаб чиқишга етарлича эътибор бермаслик ўртасида; замонавий таълим жараёнининг коммуникатив ва ижтимоий йўналишини амалга оширишга бўлган зарурат билан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришга назарий ёндашувларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида; фаолият субъекти сифатида бошланғич синф ўқувчисини ривожлантиришга замонавий бошланғич таълимнинг умумий кўрсатмаси ва анъанавий тарзда ижро этувчи компонентини амалга оширишга йўналтирилган болалар фаолиятини ташкил этиш шакллари ўртасида қатор қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари ҳақида гапирганда, биз нафақат мазкур йўналишга доир билимлар, балки уларни қўллаш, ролли хатти-ҳаракат меъёр ва қоидалари, ижтимоий функциялар, урф-одатларга қадриятли муносабатни ҳам назарда тутамиз. Амалиётда ижобий тасдиғини

топиб, самарали натижага эришиш имконини берадиган атрофдагилар билан ўзаро алоқалар тизимида тўпланган энг ахамиятли шахсий тажрибани қайд этиш муҳимдир.

Кўникмалар – бу нафақат яхши машқ қилинган ва ўзлаштирилган, балки энг аввало, муайян хатти-ҳаракатлар моделини қабул қилиш ҳамда англашга асосланган ҳаракатлардир. Ижтимоий кўникмалар – бу ижтимоий хулқ-атворнинг ўзлаштирилган элементлари бўлиб, улар ижтимоий олам, ўзи ва бу ёруғ дунёдаги ўрни ҳақидаги, ижтимоий ўзаро алоқаларни осонлаштирадиган хатти-ҳаракатлар ҳақидаги билимлар ҳамда инсонга атроф-муҳит билан муносабатларни самарали равишда ўрнатиш, ўз ўрнини белгилаб олиш ва ўзлигини намоён қилишга имкон берадиган ҳаракатларга асосланади ҳамда бу муваффақиятли ижтимоий мослашув ва умуман ижтимоийлашишга ёрдам беради.

Ижтимоий кўникмаларнинг ўзига хос хусусияти куйидагилардан иборат: ижтимоий-маданий меъёрларни билиш, улардан толерант хулқ-атвор моделининг намунавий асоси сифатида фойдаланиш қобилияти; атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларда ўз ҳис-туйғулари, эмоцияларини тушуниш, уларни ижтимоий мақбул ҳамда мос шаклда ифода этиш қобилияти; ўзининг индивидуаллиги ва кадр-қиммати, шунингдек, бошқа инсонлар шахсининг кадр-қимматини англаш; атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган одатий муаммоли вазиятларни англай олиш қобилияти, конструктив ечимларни излашга интилиш; умумижтимоий ва шахсий тажрибани умумлаштириш қобилияти.

Бугунги кунда кўпчилик тадқиқотчиларнинг катта қизиқишини орттирган масала эмоционал интеллект мавзуси бўлиб, мазкур муаммога доир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Инсон ҳаёти ва фаолияти давомида атрофдагилар билан бўлган муносабатларни самарали ва ижобий олиб боришга интилади. Бугунги кунда ҳар бир соҳада рақобатбардошлик талаб қилинадиган бир пайтда шахслараро муносабатларни ижобий амалга ошириш бўйича ҳам қатор муаммолар кўзга ташланмоқда. Мазкур муаммога самарали ечим сифатида шахсининг ижтимоийлашувини таъминлаш, ижтимоий мослашувчанликни қарор топтириш талаб этилади.

Турли олимлар томонидан ишлаб чиқилган эмоционал интеллектга доир назарий моделларнинг маълум қисмини ўрганиш асосида биз тақдим этилган концепцияларда фарқлар кўзга ташлансада, бироқ уларнинг барчасида учта параметр иштирок этиши ҳақидаги хулосага келдик: ижтимоий хулқ-атвор мотивлари ва бошқа кишиларнинг эмоциясини тушуниш; шахсий эмоцияларини адекват акс эттириш ва йўналтириш; ўзининг эмоция ва ижтимоий хулқ-атворини бошқариш. Мазкур уч блок параметрлар барча тадқиқотчилар томонидан қайд этилган ва ўқувчиларда эмоционал интеллектнинг ривожланганлигини ташхис этиш имконини бериши мумкин. Бу эса, мазкур блоклар ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг таркибий асослари бўлиб хизмат қилиши мумкинлигидан гувоҳлик беради.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмалар шаклланишининг

педагогик-психологик омиллари ўзида онг, кўникмалар ва хулқ-атворни мужассамлаштиради. Ўқувчининг шахс ва ўзига хос субъект сифатида шаклланиш жараёни қадриятли-фикрий жиҳатнинг фаоллашувида олиб келади. Бу эса ўз навбатида ўқувчи амалий фаолиятининг барча жиҳатларида, ижтимоий маънавий ҳаётида намоён бўлади. Бу ўринда ўқувчи ўз фаолиятининг субъекти сифатида ҳаракатланади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш компонентлари уларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши керак: ўзини ижтимоий индивид сифатида қабул қилиш мактабда ўқишга бўлган кучли мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради ва бу янги шахсий таълим “ўқувчининг ички позицияси” деб таърифланади; эркинликни ривожлантириш, бу хатти-ҳаракатларда онгли равишда мақсадларни қўйиш, уларга эришиш воситаларини излаш ва топиш, қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтиш, шунингдек, ички режада ҳаракатларни режалаштириш ва бажариш қобилиятини шакллантиришда намоён бўлади; рефлексияни шакллантириш, бу ўз мулоҳаза ва ҳаракатларини ўйлаб қўйилган режага мувофиқлиги нуқтаи назаридан онгли ва объектив равишда таҳлил қилиш ва баҳолашга имкон беради.

Ижтимоий кўникманинг тузилмасини биз когнитив-мотивацион, фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи ва хулқ-атвор компонентлари йиғиндиси сифатида талқин этиб, уларни таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришнинг босқичлари сифатида қабул қилдик. Таклиф этилаётган босқичларнинг ҳар бири аввалги даражанинг янгиланишларини ҳисобга олади ва янада бойитиб боради (1-жадвалга қаранг).

*Когнитив-мотивацион компонент* ўқувчилар томонидан шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишга бўлган эҳтиёжнинг анланганлиги, ушбу билимларнинг аҳамиятини тушуниш, уларга ўз муносабатини ифода этиш, хулқ-атвор меъёрларини билиш ва ўзаро муносабатларнинг муайян усулларини ўзлаштиришнинг муҳимлигини англаб етишни назарда тутаяди.

*Фаолиятли компонент* мақсад қўйиш, ҳаракатларни режалаштириш, конструктив ўзаро муносабатларнинг меъёрлари ва усулларини ўзлаштириш қобилиятларини ўз ичига олади.

*Рефлексив-баҳоловчи компонент* бизнинг фикримизча, ўз хатти-ҳаракатлари, ишлари, ички ҳолати, ҳис-туйғулари, мулоҳазаларини англаш ва баҳолаш қобилиятини, ўз билимлари доирасини англаш, ўз ютуғини кўра олишни назарда тутаяди.

*Хулқ-атвор компоненти* турли шакл ва вазиятларда ўзаро ҳамкорлик усулларини билиш ва мавжуд тажрибадан фойдаланишни назарда тутаяди.

Ижтимоий хулқ-атвор қуйидаги асосда қурилиши мумкин: ўз ниёт ва истаклари; инсонлар; жамиятдаги қадриятлар, ахлоқ ва маданият меъёрлари орасида “Мен”ини англаб олиш.

Тадқиқотда таклиф этилаётган компонентлар ва уларнинг намоён бўлиш соҳаларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий кўникмаларни шакллантириш даражаларига хос хусусиятлар аниқлаштирилди.

**Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни  
шакллантириш босқичлари**

№ т/р	Босқичнинг номланиши ва мазмуни	Вазифалари	Кўрсаткичлари	Фаолиятни ташкил қилиш шакллари
1.	<b>Когнитив (когнитив-мотивацион):</b> болалар томонидан шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳулқ-атвор меъёрлари тўғрисида билимга бўлган эҳтиёжни, ўзаро муносабатларнинг айрим усулларини ўзлаштириш муҳимлигини англаниши	Ўқувчиларда билим олишга ижобий муносабатни шакллантириш, ушбу жараён аҳамиятини идрок этиш ва тушунишда фаолликка эришиш	- когнитив ва ижтимоий мотивацияни ошириш; - шахснинг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш; - билим олиш жараёнини шахсий аҳамиятга эга сифатида англаш	- ўз тажрибасига мурожаат қилиш; - муаммоли вазиятлар; - ишбилармонлик ўйинлари; - ахлоқий суҳбатлар
2.	<b>Фаолиятли:</b> ўқувчилар томонидан тенгдошлари билан конструктив ўзаро муносабатларга доир меъёр ва усулларни ўзлаштириш	Тенгдошлари билан ўзаро муносабатларнинг меъёрлари ва усуллари интериоризацияси, билимларни ўзлаштиришдан уларни қўллаш даражасига ўтиш	- ўзаро алоқалар, муносабатларни ўрнатишда ташаббускорликнинг мавжудлиги; - ўзаро алоқалар усуллари ҳақидаги билимларни амалда ситуатив қўллаш	- ахлоқий вазиятларни ҳал қилиш; - ҳамкорликдаги фаолият; - ишбилармонлик ўйинлари; - тренинг
3.	<b>Рефлексив-баҳоловчи:</b> ўзаро алоқаларни конструктив йўллар орқали аҳамиятини тушуниш ва рефлексив фаолиятни амалга ошира олиш (ўз хатти-ҳаракатлари, ишлари, ўз ички ҳолати, ҳис-туйғуларини англаш ва баҳолаш, ўз билимидаги фарқни англаш, ўз ютуқларини кўра олиш)	Ўз ички ҳолатини ҳисобга олган ҳолда хатти-ҳаракатлар моделини эркин ва онгли равишда танлаш қобилиятини ривожлантириш, ушбу ҳолатни тушуна билиш	- ўзи ва бошқаларни қадрият сифатида англаш; - ҳаракатлар мотивларини тушуниш ва ҳам ўз фаолияти, ҳам бошқаларнинг фаолиятига адекват баҳо бериш; - мавжуд маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, хатти-ҳаракатлар оқибатларини олдиндан кўра олиш қобилияти	- ахлоқий вазиятларни таҳлил қилиш; - тренинг; - тестлар ва анкеталар, ўз-ўзини кузатиш
4.	<b>Хулқ-атворга оид:</b> турли хил ҳолат ва вазиятларда ўзаро муносабатларни билиш ва мавжуд тажрибадан фойдаланиш	Ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни янада ривожлантириш; ўзаро муносабатнинг ўзлаштирилган меъёр ва усулларини кенгроқ мулоқот соҳасига ўтказиш қобилиятини рағбатлантириш	- когнитив ва ижтимоий фаолликнинг устунлиги билан бошқаларга яққол йўналтирилганлик; - ҳаракат ва мулоҳазаларда танқидийлик, мослашувчанлик ва мустақиллик; - ўз индивидуаллигини адекват усуллар билан ифода этиш; - турли вазиятларда хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришини тушуниш қобилияти	- ишбилармонлик ўйинлари. - реал вазиятлар. - тест ва анкеталар, ўз-ўзини кузатиш

Биринчи боб сўнгида ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш учун уларнинг ўзаро ҳамкорлик усуллари, хулқ-атвор меъёрлари ва қадриятли йўналганлик тўғрисидаги билим даражасини аниқлаш, бошқалар билан самарали мулоқотда бўлиш кўникмаларини шакллантириш даражасини ўрганиш, муайян вазиятга мувофиқ маълум бир хулқ-атвор йўналишини оқилона танлаш, шунингдек эркин фикр билдириш имкониятларидан фойдаланиш қобилиятини ўрганиш лозим, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида “Тарбия” фани орқали ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантириш мазмуни, “Тарбия” фанини ўқитишга технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш, интерфаол машқлар орқали бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш тизими ёритиб берилган.

Бошланғич синфларда “Тарбия” фанини ўқитишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилаб олинди: Ватанга, ўзи туғилиб ўсган жойга муҳаббатни шакллантириш; ўз-ўзини англаш, ўз хулқи ва фаолиятини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолашга ўргатиш; катталар ва тенгдошлари билан муносабатларда ўзаро ҳурмат ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш; шахсий ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги тушунчаларни таркиб топтириш; касблар тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш; меҳнатга ижобий муносабатни таркиб топтириш; билишга қизиқиш ва муваффақиятга эришиш мотивларини мустаҳкамлаш; мустақиллик, тиришқоқлик ва интизомлиликни тарбиялаш; миллий ва умуминсоний анъана ва қадриятларга қизиқишни шакллантириш.

“Тарбия” фанини ўрганиш орқали ўқувчиларда қуйидаги ижтимоий кўникмалар шаклланиши лозим, деган хулосага келинди: Шахсий “Мен”; қатъийлик; нисбий мустақиллик; ўз олдига мақсад қўя олиш; хулқ-атворни ижтимоий жамоатчилик нуқтаи-назардан баҳолашга интилиш; ваъдага садоқат; катталарни ҳурмат қилиш; бурч ва жавобгарлик; ўз ҳис-туйғуси ва ички кечинмаларини бошқариш уқувига эғалик; ўз-ўзига, ўз хатти-харакатларига танқидий муносабат.

Тадқиқот доирасида “Тарбия” фанини ўқитишга доир қуйидаги замонавий ёндашувлар мазмуни аниқлаштирилди: фаолиятга йўналтирилган; аксиологик; синергетик; герменевтик; психотерапевтик; компетенциявий.

Бошланғич синфларда “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнида қуйидаги умумпедагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқлаштирилди: 1. Ишчанлик ўйин технологияси. 2. Кооператив таълим технологияси. 3. Рефлексив технология. 4. Танқидий фикрлашни ривожлантириш технологияси. 5. Арт-технология.

Таълимга технологик ёндашув ўқитувчидан ўқув машғулотида тайёрланиш жараёнида жуда кўп меҳнат қилишни талаб қилади. Мазкур жараёнда ўқитувчи ҳар бир мавзу бўйича ўқув мақсадини ойдинлаштириш, педагогик вазифаларни тўғри қўйиш, ўқув фаолияти натижаларини

аниқлаштириш, таълимни ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини тўғри танлаб олиш, ўқув вақтини оқилона тақсимлаш орқали ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини аниқ тартибланган алгоритмининг ҳосил қилиши лозим. Ана шу заруриятдан келиб чиқиб, тадқиқотда бошланғич синфларда “Тарбия” фани бўйича дарсларнинг технологик харитаси намунаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида эмоционал интеллект функцияларини таҳлил этиш асосида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг механизмига аниқлик киритилди ҳамда уларни татбиқ этишдан олинган эмпирик материаллар таҳлил этилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-кўникмаларни шакллантириш механизми**

Тадқиқот натижалари асосида “Тарбия” фанини ўқитишда ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг тизими белгилаб олинди. Тизимнинг мазмуни ўзида билим – кўникма – малака – компетенция бирлиги

ва ана шу босқичларни ҳар бирида ижтимоий кўникмаларнинг ўзига хос тарзда шаклланиб боришини акс эттирди (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш тизими

ДТС компонентлар	Ижтимоий кўникма элементлари				
	Тушуниш, идрок этиш/ Билиш	Оқилоналик, холислик/ Хиссиётни бошқариш	Тез фикрлаш/ шахсий мотивациясини шакллантириш	Башоратлаш/ эмоцияларни аниқлаш	Мослашувчанлик/ Эмпатия
Билим	Ўқувчи борликка доир билимларни ўзлаштиради, уларни билиб олади ва эслаб қолади	Воқеликнинг аҳамиятини аниқлайди, унинг ижобий ва салбий жиҳатини баҳолайди	Ўзини воқелик иштирокчиси сифатида идрок этади, ижтимоий воқеликка кадрятли кўникма таркиб топади.	Воқеликда акс этган жиҳатларнинг инсонлар ҳаётидаги ўрнини изоҳлайди, мулоҳаза юритади	Ўз позициясида туришда эмоцияларга берилмаслик, ўз-ўзини бошқариш кўникмаларига мослашади
Кўникма	Воқелик инсон фаолияти натижалари эканлиги; инсон фаолияти натижалари моддий ва маънавий кўринишларда намоён бўлишини англайди	Инсон фаолияти натижалари ва уларнинг ижтимоий аҳамиятини англайди	Аждодлар томонидан амалга оширилган хайрли ишларни давом эттириш, уларга муносиб бўлиш ҳислари шаклланади	Воқеликнинг кейинги ривожини тахмин қилади	Эгаллаган билимларини мавжудлари билан таққослаш кўникмалари шаклланади
Малака	Инсон фаолияти натижасида юзга келган воқелик билан бутунги ўзгаришларни таққослайди	Керакли маълумотларни танлаб олади	Шахслар фаолиятини тўғри баҳолаб, ўз шахсий хислатларига танкидий ёндашади	Воқеликларни таҳлил қилиб, келажакни кўра олади	Тафовутларини аниқлаб, уларга тўғри ёндаша олади
Компетенция	Керакли хулосалар чиқариб, муаммоли вазиятларни осон ҳал қилади	Ўз ҳатти ҳаракатларини назорат қилади	Жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларда фаол иштирок этади	Ҳар қандай вазият учун ечим тайёрлай олади	Замон ва макондаги шарт-шароитларни ҳисобга олиб, фаол ҳаракат қилади

Мазкур тизимнинг ташкилий жиҳати ижтимоий кўникмаларни шакллантиришга асосланган ўқув топшириқлари, метод ва воситалардан иборат. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти алоҳида ўрин тутса-да, педагоглар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг самарали шакл, метод ва воситаларини излаб топишдан иборат бўлади. Тизимни амалиётга жорий этиш мақсадида “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнида қўллаш учун интерфаол



машқлар мажмуи ишлаб чиқилди. Қуйида улардан айрим намуналарни келтириб ўтамиз.

Мақсад сари қадам методи. Ушбу метод қўйилган мақсадга эришиш учун амалга ошириш мумкин бўлган ҳаракатларни аниқлаштиришга қаратилган. Ўқувчилардан горизонтал чизик чизиш ва унга тенг масофада 11 та нуқта қўйиш ҳамда уларни 0 дан 10 гача бўлган рақамлар билан белгилаб чиқиш илтимос қилинади. Бу чизик мақсадга эришиш йўлини ифодалайди. Чап томондаги чизик (0) мақсадга эриша олмаслик сабабларини акс эттиради, ўнг томондаги чизик эса (10), мақсадга эришиш имкониятларидан дарак беради. Ўқувчилардан иккала нуқтани (0, 10) тенг иккига бўлган ҳолда 0-5 гача ораликдаги рақамларга салбий вазиятлар, 5-10 гача ораликдаги рақамларга эса муваффақиятга эришиш имкониятларини ифода этувчи сўзларни ёзиш сўралади.

*“...Инсон яшар экан, улкан орзулар томон интилади. Нима учундир баъзилар орзусига етади, яна кимлардир, афсуски йўқ... Гап фақат омадда эмаслиги кўпчиликка аён. Орзуларимиз ҳақиқатга айланиши учун нима қилиш керак?”*

Топширик. Энг катта орзуингиз нима? Марҳамат, дафтарга ёзинг. Балки эриша олмаган орзуингизни ёзарсиз. Нима учун эриша олмаганлигингиз (эриша олмаслик) сабабларини 0-5 тагача рақам остида ёзинг. Сўнгра мақсад сари қадам ташлашга ўтинг. Яъни 5-10 тагача ўз имкониятларингизни чуқур таҳлил қилган ҳолда “олдинга ҳаракат” қилиш режангизни ёзинг.

Қизил ва яшил карточкалар билан ишлаш методи. Мазкур метод гуруҳ билан оммавий ишлашда қулай ҳисобланиб, ўқувчиларни тезкор фикрлаш, ҳозиржавобликка ўргатади. Мазкур метод боблар, бўлимлар якунида, шунингдек ўқувчилар билимини баҳолашда яхши самара беради. Ўқитувчи томонидан дастлаб мавзудан келиб чиққан ҳолда “ҳа”, “йўқ”қа асосланган саволлар тузилади. Саволлар шундай тузиладики, унга жавоб изоҳли эмас, балки “ҳа”, “йўқ” тарзида айтилади. Ўқувчилар қўлига қизил ва яшил карточкалар берилади. Бунда яшил – “ҳа”, қизил – “йўқ” жавоб маъносини беради. Ўқитувчи томонидан савол берилганда ўқувчилар овоз чиқариб эмас, балки тегишли жавобни карточкаларни кўтариб-тушириш орқали амалга оширади.

Масалан:

1. Чин дўстингиз борми? (ҳа).
2. Шошқалоқлик яхши одатми? (йўқ).
3. Ота-онангизга уй юмушларида ёрдам берасизми? (ҳа).
4. Спорт соғлиқка зарарми? (йўқ).
5. Тежамкор бўлиш яхшими? (ҳа).
6. Кун қоронғуми? (йўқ).
7. Китоб инсонга дўстми? (ҳа).
8. Жониворларга ғамхўрлик қилиш керакми? (ҳа).
9. Яхшилик қилиш ёмон одатми? (йўқ).
10. Чумоли меҳнаткашми? (ҳа).

Диссертациянинг “**Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг диагностик усуллари ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ва тахлили ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантиришнинг асосий босқичларига (когнитив, фаолиятли, рефлексив-баҳолавчи, хулқ-атворга доир) мос равишда дагностик усуллар ҳамда мақсадга эришишга доир махсус машқлар, тренинглар, ўйинлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, когнитив босқичда “муаммоли майдонни” кўриш ҳамда болаларнинг хулқ-атвори қоидалари ва ўзаро ҳамкорлик қилиш усуллари, хатти-ҳаракатларни (ўзларини ва бошқаларни ҳам) баҳолаш қобилиятини аниқлаш учун “Тугалланмаган гаплар”, “Мен дўстман”, “Менинг дўстим” каби диагностика усулларидадан фойдаланилди.

Масалан, “Тугалланмаган гаплар” методикасининг мақсади боланинг атрофдагилар, ўзига нисбатан муносабатини ўрганиш, низоли вазиятда мақбул ҳаракатни танлашдан иборатдир. Ушбу методика проектив методиканинг аддитив гуруҳига киради. Болага бир нечта сўзлардан ташкил топган бир қатор тугалланмаган гаплар таклиф этилади, шунда у уларни ўз хоҳишига кўра тўлдириши мумкин. Гаплар ўқувчини ўрганилаётган ходисаларга жавоб беришга ундайдиган тарзда тузилади.

Боладан гапларни мияга келган биринчи фикр билан яқунлаш сўралади: 1. Ўйлайманки, мен кўпинча... 2. Мен дўстлашган болалар... 3. Мени хафа қилишганда, мен ... 4. Мен бирга ўйнайдиган болалар ... 5. Агар одамни ҳеч мақташмаса ... 6. Агар мени алдашса ... 7. Мен истайман ... 8. Агар мендан бирон нарса сўрашса ... 9. Ҳар бир инсон ... 10. Касал бўлганимда, синфдошларим ... 11. Агар бирор киши ноҳақ бўлса, унда мен ... 12. Мен билан бирга ўқийдиган болалар ...

Олинган маълумотлар ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан қайта ишланади. Жадвалнинг маълум бир муносабат турига мос келадиган ҳар бир устунда реакциялар турлари қад этилади: “б” – бетараф, “с” – салбий, “и” – ижобий. Анкета натижаларини кўриб чиқиш ва кейинчалик болалар билан ўртага ташланган саволларни муҳокама қилиш уларнинг мазкур масалаларга муносабати ва хулқ-атвор меъёрлари ҳақидаги тасаввурларини маълум даражада тузатишга ёрдам беради.

Фаолиятли босқичда “Мен ўзимни қандай тутаман?” сўровномаси, “Почтачи”, “Фанта” машқларидан фойдаланилди.

“Почтачи” машқи катталар ва тенгдошларга муносабатни таърифлаш, бола учун муҳим кишилар, китоблардаги қаҳрамонларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади. 14 та хат-карточка (9 та ижобий ва 5 та салбий мазмундаги) номаси билан ҳавола этилиб, унда одамлар ижобий ва салбий баҳоланадилар (масалан, “Сиз энг меҳрибонсиз”, “Мен сиздан хафаман”, “Мени яхши кўришмайди”, “Менга ёрдам беришларини хоҳлайман”, “Ёрдам беришга тайёрман”). Бола ушбу карталарни “почта қутиларига” ўз хоҳишига

кўра тарқатади: масалан, дўстига, ота-онасига, ўқитувчисига, бирор кимга, сеҳргарга.

“Фанта” машқи ўқувчиларнинг маълум ижтимоий ҳаракатларни бажариш кўникмаларини аниқлаш ва шакллантиришга қаратилган. Болалар фанта вазифаларини битта-битта олиб чиқиб, уларни ўйин вазиятида (масалан, тенгдошларидан ўйинда иштирок этишларини сўраб мурожаат қилиш; дўстини бошқаларни ҳақорат қилмаслик кераклигига ишонтириш) бажаришлари таклиф этилади.

Рефлексив-баҳоловчи босқичда Дембо – Рубинштейннинг машҳур “Шахснинг ўз-ўзига баҳо бериши” методикаси ёки ўқувчилар томонидан улар эга бўлган ёки бўлишни хоҳлайдиган ахлоқий фазилатларига ўзларининг баҳо бериш даражасини аниқлашга қаратилган “Сифатлар дўкони” машқларидан фойдаланилди. Болалар ўзларида мавжуд бўлган фазилатларни белгилашлари ва улар эга бўлишни истаган фазилатларни танлашлари тавсия этилади. Жадвалнинг биринчи устунда меҳрибонлик, адолатпарварлик, қизиқувчанлик, дўстлик, садоқат, муҳаббат, жасорат, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, ростгўйлик, раҳмдиллик, масъулиятлик, ҳозиржавоблик, мақсадга интилувчанлик, саҳийлик, тарбиялилик, хушмуомалалик, жонкуярлик, кўтаринки кайфият, ташаббускорлик каби сифатлар санаб ўтилади. Иккинчи устунда ўқувчидан қайси фазилатларга эга эканлиги ва уларни бошқалар билан баҳам кўриши мумкинлиги, учинчисида эса қандай фазилатларга эга эмаслиги, аммо эга бўлишни хоҳлашини белгилаб олиши сўралади.

Хулқ-атворни баҳолаш учун “Қадриятли йўналганлик ижтимоий хулқ-атвор кўникмаларининг кўрсаткичи сифатида” методикасидан фойдаланилди. Унинг мақсади билиш, шахсият (унинг икки кўринишида – “Мен – қадрият” ва “Бошқалар – қадрият”), масъулият ва ижтимоий фойдали фаолият каби жиҳатлар орқали ижтимоий хулқ-атворнинг ривожланиш даражасини аниқлашдан иборат. Айнан шу жиҳатлар, шахснинг асосий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий хулқ-атворга йўналтиришни ўз ичига олади ҳамда бир вақтнинг ўзида шахснинг ижтимоийлашуви ва индивидуаллиги муваффақиятини таъминлайди.

Ижтимоий кўникмаларни шакллантириш учун маълум бир образда яратилган ва ўқувчилар томонидан муайян бир ҳаётий вазиятда мўлжал олиш қобилиятини эгаллаш ҳамда фақат ундан чиқишнинг тегишли йўлини белгилабгина қолмасдан, маълум шароитларда энг самаралисини танлаб олишга қаратилган сюжетли-ролли ўйинли вазиятлар тизими зарурдир. Болалар учун ўйин – бу уларнинг ижтимоий ижодкорлик доираси, бу ерда мотивацион-мазмунли ва ахлоқий жиҳатлар етакчи ўрин тутади.

Қуйида айрим ўйин-машқларга тўхталиб ўтамиз.

“Плюс ва минус томонлари” машқида ўқувчиларнинг ҳар бири учта алоҳида қоғозчаларга ўзининг учта ижобий ва учта салбий жиҳатларини ёзиб кўяди. Кейин барча қоғозчалар аралаштирилиб, синф ўртасида жойлаштирилади. Болалар айлана бўлиб ўтиришиб, навбатма-навбат биттагина қоғозчани олиб, овоз чиқармай ўқиб, уларнинг фикрига кўра, бу

ким тўғрисида ёзилган бўлса, ўша одамнинг олдига (матнни тескари қилган ҳолда) қўядилар. Кейин ҳамма ўз олдига қўйилган қоғозларни ўқишади. Хоҳишга кўра шарҳлар берилади.

